# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 27 апрель, № 82 (5249) Чоршанба


БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 16 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 26 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ана шу шахслар мазкур Кодекснинг 61, 125, $125^1$, 126, 127, 128, $128^1$, $128^2$, $128^3$, $128^4$, $128^5$, $128^6$, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, $135^1$, 136, 138, 183, 184, 185, 194, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади»;

2) **21-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«21-модда. Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш**

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хулосага келса, иш ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ушбу Кодекснинг $308^1$-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади»;

3) **28-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас, ушбу Кодекс $128^3$-моддасининг тўртинчи қисмида, $128^4$-моддасининг учинчи қисмида, 131-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган ҳоллар бундан мустасно»;

4) **33-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни ушбу Кодекснинг $308^1$-моддасида белгиланган тартибда судга юборади»;

5) **125-модданинг**:

**биринчи қисми санкциясидаги** «ўндан бир» деган сўзлар «бешдан бир» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи — тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ҳайдовчиларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки мажбурий техник кўрикдан ўтказилмаган ёхуд фойдаланиш ман этиладиган даражада носозлиги бўлган, худди шунингдек ишлаётганида ташқарига чиқараётган ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори, шунингдек шовқин даражаси белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларини бошқариши, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларнинг тормоз тизимида, руль бошқарувида ёки уловчи қурилмада носозлиги бўлган ёхуд тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқариши, —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайдовчиларнинг шаҳарлараро ва халқаро йўловчи ташишни амалга оширадиган автобусларни назорат асбобларисиз (тахографларсиз) ёки тахографларни ўчирган ҳолда бошқариши, —

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

**тўртинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисми санкциясидаги** «уч бараваридан беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар «беш баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми санкциясидаги** «етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда» деган сўзлар «ўн баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисми санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир баравари, мансабдор шахсларга эса — икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

**саккизинчи қисмидаги** «125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 133, 134, 135» рақамлари «125, $125^1$, 126, 127, 128, $128^1$, $128^2$, $128^3$, $128^4$, $128^5$, $128^6$, 129, 130, 131, 133, 134, 135, $135^1$» рақамлари билан алмаштирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **$125^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$125^1$-модда. Юк ташиш қоидаларини, шатакка олиш қоидаларини бузиш**

Юк ташиш қоидаларини, худди шунингдек шатакка олиш қоидаларини бузиш, —

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тегишли рухсатномасиз оғир вазнли, йирик габаритли, хавфли юкларни ташиш ва юк билан ёки юксиз ҳолдаги габарит ўлчамлари белгиланган нормалардан ортиқ бўлган транспорт воситаларида йўлга чиқиш, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган ҳаракат йўналишидан четга чиқиш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга, юк ташиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга эса — энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

7) **126-модданинг номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«126-модда. Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш**

Давлат стандарти нормаларига мувофиқ бўлмаган кўзгусимон ёки туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали транспорт воситаларидан, худди шунингдек ҳайдовчининг ўрнидан теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган ёки қопламалар суртилган транспорт воситаларидан фойдаланиш, —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

8) **128-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«128-модда. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги**

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ёки йўлнинг қатнов қисмидаги чизиқлар билан белгилаб қўйилган талабларга риоя этмаслиги (ушбу Кодекснинг $128^3$, $128^5$, $128^6$ ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), одам ташиш, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлардан ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш, сутканинг қоронғи вақтида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, худди шунингдек йўловчиларга лойқа сачратиши, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни уч марта ва ундан ортиқ маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

(Давоми 2-бетда).

## МЕҲР ЗИЁСИДАН КЎНГИЛ ЧАРОҒОН



***Раҳматулло ота умрининг минг ойлик маррасини аллақачон босиб ўтган. Шундан бир неча йилини ўт-олов ичида ўтказди. Фашист босқинчиларига қарши ҳаёт-мамот жангида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қизил байроқ ўрнатиш учун эмас, хаёлида, авваламбор, ўз ота-онаси, болалари, севимли ёри учун, уларнинг эртаси ва тинч ҳаёти учун қон кечди...***

Қадрият

Ота у кунларни эслар экан, юраги зирқираб кетади. Ватани истиқлолга эришган тарихий кунларни кўрганига, асрларга татигулик йигирма йил ичида она-юрти жаннатмонанд қиёфа касб этганига беадад шукроналар айтади. У бугун фарзандлари, набиралари, маҳалла-кўй эъзозида.

— Куни кеча газетада Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб, бениҳоя таъсирландим, — дейди Раҳматулло ота. — Дунёда кексаларни биздагичалик қадрлайдиган давлат бўлмаса керак. Иззат-ҳурматимиз жойида, қаерга бормайлик ардоқдамиз. Айниқса, маҳалла-кўйда ўтказиладиган турли тадбирлар, тўю тантаналарда давраларнинг тўри бизники. Қаранг, ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда кенг нишонланади. Азалдан шундай гап бор: кимки қарияларни эъзозласа, ҳурматини жойига қўйса, ҳеч қачон кам бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз ҳамиша дуога қўл очганда, Юртбошимизга узоқ умр тилаймиз. Ҳеч қачон кам бўлмасинлар, умрларидан барака топсинлар, деймиз.

Кексаларни қадрлаш, Ватанимиз озодлиги ва шану шарафи ҳимоячиларига иззат-ҳурмат кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан. Бугун ана шу эзгу фазилатлар кўз қорачиғидек авайлаб келинаяпти. Буни Шайхонтоҳур туманидаги Камолон маҳалласида яшовчи Раҳматулло Назаров каби уруш фахрийлари юрак-юракдан ҳис этишади.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** Раҳматулло ота Назаров набиралари даврасида.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Европа Парламенти делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида "Ўзбекистон ва Европа Иттифоқида сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, икки томонлама шериклик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш" мавзуида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

## ЕВРОПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Европа Парламенти делегацияси аъзолари, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Л. Ғуломов Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқалари ва парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий йўналишларда, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, таълим, ноу-хау, стандартлаштириш ва сертификатлаш, аудит, наркотик моддалар назорати каби соҳалар, шунингдек, Афғонистонда тиклаш ишларини амалга ошириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан муносабатларга алоҳида эътибор билан қарайди. "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитаси ташкил этилган. Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида таъсис этилган мазкур қўмита парламентаризм йўналишидаги ўзаро муносабатларни тараққий эттиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ЎРНИ МУСТАҲКАМЛАНИБ, НУФУЗИ ОШИБ БОРМОҚДА»

*Тошкентда 22 — 23 апрель кунлари "Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. ЎзА мухбирлари конференция иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.*

### Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

**Евгений КОЖОКИН, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ректори (Россия):**

— Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг тараққиёт моделига қизиқаётган барча иштирокчилар учун жуда муҳим ва долзарб маълумотларга бой анжуман бўлди. Ўзбекистоннинг тўғри танлаган тараққиёт йўли, айниқса, тобора ошаётган саноати салоҳияти диққатимизни тортди. Боиси, МДҲ мамлакатларида саноатни барқарор ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатингизда саноатнинг босқичма-босқич диверсификация қилинаётгани, соҳани такомиллаштириш учун янги дастурларнинг ишлаб чиқилаётгани ибрат олса арзигулик бой тажрибадир.

Концепцияда белгиланган устувор йўналишлар — бизнес-лойиҳаларни амалга оширишни енгиллаштириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида қонунчиликка киритилиши режалаштирилган ўзгартишлар бизда катта қизиқиш уйғотди. Мамлакатингиз билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш тарафдоримиз.

**Андреас АНДРИНОПУЛОС, Грециянинг Америка коллежи ҳузуридаги Дипломатия ва халқаро муаммолар институти директори (Греция):**

— Ўзбекистонда иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва улушини янада кенгайтириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга, парламент фаолиятини ривожлантиришга, кўп партиявийлик тизими ва партиялараро рақобатни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланаётгани таҳсинга сазовордир.

(Давоми 3-бетда).

Фестиваль

***Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Осиё рамзи" модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ана шу номда ташкил этилган болалар мода фестивали якунланди.***

## «БОЛАЖОНЛАР – ШИРИНТОЙЛАР»

Икки кун давом этган ушбу фестиваль мобайнида мамлакатимизнинг умидли дизайнерлари ўзларининг ижод маҳсулларини томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар.

Фестиваль кунлари либос лойиҳалаштирилиши жараёнини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий конференция ҳамда етакчи мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди. Сўнгра кичкинтойлар, ўсмирлар, ёшлар, бўлғуси оналар кийимлари моделларининг намойиши бўлиб ўтди.

Байрам руҳида ўтган танловда иштирокчиларга "Битирув кечаси", "Бўлажак оналар", "Мактаб формаси", "Миллий услуб" каби йўналишларда ўз маҳоратларини намойиш этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

— Мамлакатимизда ёш иқтидор соҳибларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг ижодий имкониятларини юзага чиқаришда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди "Осиё рамзи" Ўзбекистон модельерлари уюшмаси раиси Холида Комилова. — Ушбу фестивалнинг асосий мақсади ҳам юртимизда болалар кийимлари дизайни соҳасида изланаётган ҳамкасбларимизнинг ижод маҳсулини муносиб баҳолаш, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак беришдир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда).

9) **$128^1$-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «бир баравари миқдорида» деган сўзлар «икки баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «икки бараваридан уч бараваригача миқдорда» деган сўзлар «уч баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **$128^2$-модда**:

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан икки бараваригача миқдорда» деган сўзлар «икки баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг санкциясидаги** «икки» деган сўз «уч» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) қуйидаги мазмундаги **$128^3$ – $128^6$-моддалар** билан тўлдирилсин:

«**$128^3$-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши, —

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, —

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, —

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун уч марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши, —

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

**$128^4$-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши, —

энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

**$128^5$-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг халақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўсқинликсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадиган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақит бериши, —

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда чиқиши, худди шунингдек авария ҳолати юзага келишига сабаб бўлган, яъни йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўз хавфсизлигини ёхуд бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўзга чораларни кўришга мажбур қилувчи ҳуқуқбузарликни содир этиши, —

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

**$128^6$-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши**

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши, —

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни уч марта ва ундан ортиқ маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, —

энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

12) **129-модданинг**:

**номидаги** «ҳаракат хавфсизлигига» деган сўзлар «йўл ҳаракати хавфсизлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача миқдорда» деган сўзлар «уч баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми санкциясидаги** «уч бараваридан беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар «беш баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **130-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан икки бараваригача миқдорда» деган сўзлар «уч баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «икки бараваридан беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар «беш баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **131-модда**:

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

**тўртинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмининг санкциясидаги** «беш» деган сўз «ўн беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **135-модданинг**:

**номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**135-модда. Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши**

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик ҳақидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (ушбу Кодекс $135^1$-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно), қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкаси ёки йўл варақаси ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариши, —

энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисми санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараваригача миқдорда» деган сўзлар «уч баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми санкциясидаги** «уч бараваридан беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар «беш баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **136-модданинг**:

**номи** «ҳайдовчиларининг» деган сўздан кейин «ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**биринчи қисми санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йилу олти ойдан уч йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг мопед, велосипед ҳайдовчи, уловли аравани бошқариб борувчи шахс томонидан содир этилиши, —

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

17) **137-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан икки йил муддатга маҳрум этишга ёхуд ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

18) **138-модда**:

**номидаги** «ҳаракат қоидаларини» деган сўзлар «йўл ҳаракати қоидаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмининг**:

**диспозициясидаги** «аравакашлар» деган сўз «уловли аравани бошқариб борувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**санкциясидаги** «ўндан бир қисми» деган сўзлар «учдан бир қисми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда» деган сўзлар «иккидан бир қисми миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда» деган сўзлар «бир баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мопед, велосипед ҳайдовчининг, уловли аравани бошқариб борувчи шахснинг алкоголли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши, —

энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

19) **139-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёки мажбурий техник кўрикдан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқариш, —

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланилиши учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Носозлиги бўлган ёки муайян шартлар туфайли транспорт воситасидан фойдаланиш тақиқланган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларини йўлга чиқариш, —

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланилиши учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

20) **140-модданинг санкциясидаги** «уч бараваридан беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар «ўн беш баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **147-модда**:

**биринчи қисмининг санкциясидаги** «бир бараваридан икки бараваригача миқдорда» деган сўзлар «ўн баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг санкциясидаги** «икки бараваридан беш бараваригача миқдорда» деган сўзлар «ўн беш баравари миқдорида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **245-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маъмурий ишлар бўйича судьялар ушбу Кодекснинг 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, $47^1$, $47^2$, 48, $49^1$, 52, 56, 57, 58, 59, 60, 61, 62, 64, 66, 67-моддаларида, 76-моддасида (сув хўжалиги иншоотларига зарар етказишга оид қисмида), 90-моддасининг иккинчи қисмида, 94, 99, 100, 101, 102, 103, 104, 105, 106, 107, 108, 110, 111-моддаларида, 112-моддасида (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга оид қисмида), 119-моддасининг иккинчи қисмида, $125^1$-моддасининг иккинчи қисмида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128-моддасининг тўртинчи қисмида, $128^1$-моддасининг иккинчи қисмида, $128^2$-моддасининг учинчи қисмида, $128^3$-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, $128^4$-моддасининг учинчи қисмида, $128^5$-моддасининг учинчи қисмида, 129-моддасининг иккинчи қисмида, 130-моддасининг иккинчи қисмида, 131, 132, 133, 134-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137-моддасида, 142-моддасининг иккинчи қисмида, 146-моддасининг учинчи қисмида, 148-моддасида (ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун), 149, 150-моддаларида, 151-моддасининг иккинчи қисмида, 152-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 155, $155^1$, 157, 158, 159, 160, 161, 163, $163^1$-моддаларида, 164-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 165, $165^1$, 166, 167, 169, 170, 173, $174^1$-моддаларида, 175-моддасининг бешинчи қисмида, $175^1$, $175^3$-моддаларида, 176-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, $176^3$, 177, 179, $179^2$, $179^3$, 180, 181, 182, 183, 184, $184^1$, $184^2$, $184^3$, 185, $185^1$, 186, $186^1$-моддаларида (акциз маркаси билан маркаланмаган товарларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш ҳоллари бундан мустасно), 187-моддасининг иккинчи қисмида, 188, $188^1$, $188^2$, 189, 190, 191, 193, 194, 195, 196, $196^1$, 197, $197^1$, $197^2$, 198, 199, 200, $200^1$, 201, 202, $202^1$, 203, $203^1$, 204, 205, 206, 207, 208, 209, 210, $215^2$, 216, 217, 218, $219^1$-моддаларида, 220-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 222, $224^1$, $224^2$, 226-моддаларида, $227^4$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $227^8$, $227^9$, $227^{13}$, $227^{14}$-моддаларида, $227^{15}$-моддасининг биринчи қисмида, $227^{16}$, $227^{17}$, $227^{18}$, $227^{19}$, $227^{20}$, $227^{21}$, $227^{22}$, $227^{23}$, $227^{24}$, $227^{25}$, $227^{26}$, $227^{27}$-моддаларида, 228-моддасида (муҳрлар (пломбалар) табиатни муҳофаза этишга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун қўйилган ҳоллар бундан мустасно), 230, 231, 232, 233, 234, 237, 238, 239, $239^1$, 240, 241, $241^1$-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Агар ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини инкор этса, маъмурий ишлар бўйича судьялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги бошқа ишларни ҳам, худди шунингдек содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун ўзларига топширилган ишларни ҳам бевосита кўриб чиқади»;

23) **247-модданинг матнидаги** «Ушбу Кодекснинг 61, 125, 126, 127, 128, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 136, 137, 138, 183, 184, 185, 220, 221-моддаларида» деган сўзлар «Ушбу Кодекснинг 61, 125, $125^1$, 126, 127, 128, $128^1$, $128^2$, $128^3$, $128^4$, $128^5$, $128^6$, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, $135^1$, 136, 137, 138, 183, 184, 185, 220, 221-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **248-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органларига ушбу Кодекс 113-моддасининг биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида, 114, 115-моддаларида, 116-моддасининг биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 121, 122, 123, 125-моддаларида, $125^1$-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^1$-моддасининг биринчи қисмида, $128^2$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^3$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^4$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^5$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^6$-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, $135^1$-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141-моддаларида, 142-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 144, 145-моддаларида, 146-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147, 156, 161, 183-моддаларида, 187-моддасининг биринчи қисмида, 192, 204, 205-моддаларида, 220-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида, 221, 223, 224, 225-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир»;

**иккинчи қисми 5**, **6** ва **7-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ушбу Кодекснинг 125-моддасида, $125^1$-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^1$-моддасининг биринчи қисмида, $128^2$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^3$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^4$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^5$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^6$-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, $135^1$-моддаларида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Бош бошқармаси) бошлиғи, унинг ўринбосари, йўл-патруль хизматини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, алоҳида муҳим ишлар бўйича инспектор (маъмурий амалиёт бўйича инспектор), маъмурий амалиёт бўлинмаси (бўлими) бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектор (инспектор), автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат бўлими (бўлинмаси) бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг катта инспектори, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) ушбу Кодекснинг 125-моддасида, $125^1$-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^1$-моддасининг биринчи қисмида, $128^2$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^3$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^4$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^5$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^6$-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, $135^1$-моддасида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, мобиль гуруҳи) командири ёки унинг ўринбосари;

7) ушбу Кодекс 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^2$-моддасининг биринчи қисмида, $128^3$-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, $135^1$-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл-патруль хизмати катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар»;

25) **256-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органларига ушбу Кодекснинг 125-моддасида, $125^1$-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^1$-моддасининг биринчи қисмида, $128^2$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^3$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^4$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^5$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^6$-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, $135^1$, 138, 139, 140, 141-моддаларида (транспорт воситаларининг ҳайдовчилари — ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган) ҳамда 235, 236-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир»;

**иккинчи қисми учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ушбу Кодекснинг 125-моддасида, $125^1$-моддасининг биринчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^1$-моддасининг биринчи қисмида, $128^2$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^3$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^4$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^5$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, $128^6$-моддасида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135, $135^1$, 138, 139, 140, 141-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — ҳарбий автомобиль инспекциясининг бошлиғи, катта инспектори»;

26) **287-модданинг**:

**1-бандидаги** «125, 126, 127, 128, $128^1$, $128^2$» рақамлари «125, $125^1$, 126, 127, 128, $128^1$, $128^2$, $128^3$, $128^4$, $128^5$, $128^6$» рақамлари билан алмаштирилсин;

**4-бандидаги** «125, 126, 127, 128» рақамлари «125, $125^1$, 126, 127, 128, $128^1$, $128^2$, $128^3$, $128^4$, $128^5$, $128^6$» рақамлари билан алмаштирилсин;

27) **291-модда биринчи қисмининг** «**а**» **банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ушбу Кодекс 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, $125^1$-моддасининг иккинчи қисмида, 126, 131, 135, $135^1$-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137, $176^3$-моддаларида, 194-моддасида (милиция ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганда, шунингдек қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда — ички ишлар органлари томонидан»;

28) **304-модданинг иккинчи қисмидаги** «125, 126, 127, 128» рақамлари «125, $125^1$, 126, 127, 128, $128^1$, $128^2$, $128^3$, $128^4$, $128^5$, $128^6$» рақамлари билан алмаштирилсин;

29) қуйидаги мазмундаги **$308^1$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$308^1$-модда. Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал этиш тартиби**

Агар орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома билан судга юборилади.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномада шахснинг маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши ёки унга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чораси қўллаш кераклигининг сабаблари ва асослари баён этилади.

Суд ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиб, ушбу Кодекснинг 310-моддасида назарда тутилган қарорлардан бирини чиқаради.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга келиб тушган кундан эътиборан уч сутка ичида ушбу Кодекснинг 303, 304, 306–309-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади»;

30) **309-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг $308^1$-моддасида назарда тутилган ҳолларда қарорда ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги тўхтам ҳам кўрсатилиши керак»;

**учинчи — еттинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

31) **310-модда**:

**иккинчи қисмидаги** «оғзаки огоҳлантириш эълон қилинганда, шунингдек» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд томонидан ишни юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор огоҳлантириш эълон қилинганда ҳам чиқарилади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 26 апрель
№ ЎРҚ—289

# ЕВРОПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қўмитанинг Тошкентда ва Брюсселда мунтазам ўтказиб келинаётган мажлисларида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар, жумладан, ижтимоий-иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик, юртимизда демократлаштириш жараёнлари, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси, фан-техника, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳамкорлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби долзарб масалалар кўриб чиқилади. Шунингдек, трансмиллий уюшган жиноятчиликка, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашдаги ўзаро ҳамкорлик механизмлари муҳокама қилинади.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С. Рашидова, Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А. Жўрабоев, Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С. Сафоев ва бошқалар мамлакатимизда сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидладилар.

Европарламент депутатлари Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” маърузасида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, хусусан, Концепцияда белгилаб берилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, бозор ислоҳотларини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби устувор йўналишлар билан атрофлича таништирилди.

— Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар жадал ривожланмоқда, — деди Европа Парламенти депутати, делегация раҳбари Анна Гомез хоним. — Ушбу мажлисда парламентлараро алоқалар, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сувдан оқилона фойдаланиш, Орол денгизи минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш, энергетика соҳасидаги ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш борасидаги ҳамкорлик хусусида атрофлича фикр алмашдик. Европа Иттифоқи минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ечиш борасида таклиф этилаётган барча саъй-ҳаракатларни, хусусан, Ўзбекистон ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ЎРНИ МУСТАҲКАМЛАНИБ, НУФУЗИ ОШИБ БОРМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу катта меҳнат, ўта масъулиятли ва оқилона ёндашув самарасидир.

Мамлакатингизда хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун кенг қулайликлар яратилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, турли имтиёз ва имкониятлар ҳамда қонун билан кафолатланган преференциялар, солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда.

**Лаура Жузеппина МАЖИ хоним, Италиянинг “Артур-трейдинг” компанияси президенти (Италия):**

— Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни мустаҳкамланиб, жаҳон иқтисодиётидаги нуфузи ошиб бормоқда. Мамлакатингиз ижтимоий ва иқтисодий соҳада жадал тараққий этмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмаси ривожланмоқда, транспорт ва транспорт коммуникацияси тизими такомиллаштирилмоқда.

Ушбу конференция Ўзбекистонда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги ўзгараётган ва ривожланаётган тизимни, эришилган муваффақиятларни ўрганиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этди. Унда кўплаб мамлакатлардан олим ва экспертлар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мутахассислар иштирок этгани бунинг яққол тасдиғидир.

**Григорий ЗУБАРЕВ, “ЗЕТ гуруҳи” сиёсий маслаҳатлар бюроси директори, “New Radio” компанияси бош муҳаррири (Латвия):**

— Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

Президент Ислом Каримовнинг 2010 йили 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси менда катта таассурот қолдирди. Унда давлатингиз раҳбари томонидан таклиф этилган ғоя ва ташаббуслар жуда долзарбдир. Айниқса, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга оид таклифлар эътиборга молик. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ушбу соҳанинг ривожланишига хизмат қилади.

**Муҳаммад Фадҳил ҲАСАН, Иқтисодиёт ва молияни ривожлантириш институтининг етакчи иқтисодчиси (Индонезия):**

— Конференция юксак савияда ташкил этилгани, мавзуининг долзарблиги, қизиқарли, зарур ва фойдали маълумотларга бойлиги билан барчада катта таассурот қолдирди. Анжуманда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган экспертлар ва олимлар билан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш каби масалалар юзасидан фикр алмашиш имконига эга бўлдик.

Давлатингиз раҳбари Ислом Каримовнинг демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нафақат Ўзбекистон, балки бошқа давлатлар учун ҳам муҳим ва фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

**ЎзА мухбирлари**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Мадина УМАРОВА,**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

# МАҲСУЛОТЛАР ВА ХИЗМАТЛАР КЎРГАЗМАСИ

*Самарқанд шаҳрида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда вилоятда фаолият юритаётган 140 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий тадбиркорлар, савдо корхоналари 1000 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ҳамда сервис хизматлари билан иштирок этди.*

**Жараён**

— Корхонамиз ўтган йили ташкил этилди, — дейди тадбир қатнашчиси, Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд Ламит” масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси Бахтиёр Давронов. — Маҳсулотимизни янги усулда тайёрлаймиз. Яъни ёғоч материалларга сифатли ламинат қоғозлари билан ишлов берамиз. Айни пайтда вилоятдаги “Ards Luks”, “Навобод-мебель”, “Гулобод-мебель”, “Мотруд-мебель” сингари мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорлик қилаяпмиз. Ярмаркада Пастдарғом, Нарпай, Иштихон туманлари ва Каттақўрғон шаҳрида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналар ҳам маҳсулотларимизга қизиқиш билдиришди. Айни пайтда улар билан шартнома ва келишувларни амалга оширяпмиз.

Икки кун давом этган тадбирда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида маҳсулот айирбошлаш ёки биргаликда ишлаб чиқариш бўйича 3 миллиард 984 миллион сўмлик 105 та шартнома имзоланди. Шунингдек, экспорт амалиётига доир 1 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги келишув битимлари тузилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

IPOTEKA BANK

*Банк тизимини иқтисодиётнинг қон томирига менгзашади. Сабаби, банкнинг молиявий мадади етиб борган жойда, албатта, ривожланиш, ўсиш суръатлари кузатилади. Шу боис мамлакатимизда банк тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг капиталлашув даражасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада улар иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг чинакам молиявий таянчига айланиб бормоқда. Буни “Ипотека-банк”нинг Сирдарё вилояти филиали мисолида ҳам кўриш мумкин.*



# САРМОЯ КЕЛТИРАЁТГАН САМАРА

**Молия муассасаларида**

Дарҳақиқат, бугунги кунда филиал томонидан 1680 дан зиёд мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатилаётган бўлса, уларнинг салмоқли қисмини кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Уларга ўтган йили барча манбалар ҳисобидан 5 миллиард 15 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Банк маблағларидан унумли фойдаланган мижозлар орасида “Макровит” хусусий корхонаси ҳам бор.

— Бизнинг гўшт ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамиз Гулистон туманидаги Янги ҳаёт қишлоғида жойлашган, — дейди тадбиркор Виктор Урбанович. — Фаолиятимизни кенгайтириб, сутни қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида “Ипотека-банк”га мурожаат қилган эдик. Банк мутахассислари лойиҳамизни ўрганиб чиқишгач, 450 миллион сўм кредит ажратишди. Натижада хорижнинг замонавий технологик линиясини олиб, янги цехни ишга туширдик. Бунинг эвазига қишлоқ ёшлари учун яна 10 та иш ўрни яратилди.

Банк сармоялари нафақат кичик бизнес соҳасига, балки иқтисодиётнинг бошқа етакчи тармоқларини ривожлантиришга ҳам йўналтирилаяпти. Айтайлик, 52,9 миллион сўмлик кредитлар Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 18 та кам таъминланган оилага чорвачиликни йўлга қўйиш учун ажратилган бўлса, 600 миллион сўм маблағ Юртбошимизнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида мустақил ҳаётга энди қадам қўйган ёш оилаларга уй-жой сотиб олишлари учун берилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, биринчи чоракда 83,8 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди.



— “Ипотека-банк”нинг кредити шарофати билан Гулистон шаҳридан уй сотиб олдим, — дейди Учқунжон Болиев. — Олинган қарзни 15 йил давомида тўлаб борамиз. Президентимизнинг биз, ёш оилаларга кўрсатаётган бундай ғамхўрлигидан жуда миннатдормиз.

— Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши биз, банк ходимлари зиммасига катта масъулият юклади, — дейди банк филиали бошқарувчисининг ўринбосари Олимжон Абдурасулов. — Буни чуқур ҳис этиб, банк хизматлари кўлами ва сифатини яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Ҳар бир мижоз ташаббус ва таклифларини пухта ўргандик. Натижа ёмон бўлмади. Биринчи чорак давомида тадбиркорларга 1 миллиард 826 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан 364,8 миллион сўмини микрокредитлар ташкил этса, 106,6 миллион сўми тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 138,4 миллион сўми озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 118,2 миллион сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини такомиллаштиришга, 154,8 миллион сўми ёш оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадлари учун йўналтирилди.

Гулистон шаҳридаги “Либромаркетголд” масъулияти чекланган жамиятига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 100 миллион сўмлик кредит берилган эди. Бунинг ҳисобига ташхис кабинети очилиб, аҳолига тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Ушбу лойиҳанинг амалга ошиши натижасида 5 та иш ўрни ташкил этилди.

Банк кредитидан фойдаланиб, ўз бизнесини ривожлантирган тадбиркорлардан яна бири Боёвут туманининг Деҳқонобод қишлоғилик фермер Тоҳиржон Раҳмонбердиевдир. У аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш мақсадида 52,2 миллион сўм кредит олди. Ушбу маблағлар ҳисобига 2 та “Газель — 3221” русумли микроавтобус сотиб олиб, “Боёвут — Гулистон” йўналиши бўйича транспорт хизмати кўрсатишни йўлга қўйди. Лойиҳа шарофати билан 4 та иш ўрни яратилиб, қисқа вақт ичида 70 миллион 965 минг сўм фойда олишга эришилди.

Кўриниб турибдики, “Ипотека-банк”нинг Сирдарё вилояти филиали жамоаси иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу, ўз навбатида, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, экспорт салоҳияти юксалишига, пировардида аҳоли турмуш даражаси тобора яхшиланишига хизмат қилаётир.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ.**
**Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган суратлар.**


XALQ BANKI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

2011 йилнинг 25 апрелидан 30 апрелига қадар юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун

«Сизнинг банкингиз сизнинг офисингизда»

акциясини ўтказишини эълон қилади.

Мазкур акцияни ўтказиш жараёнида банкда жорий этилган «Банк-мижоз» тизимига Халқ банкининг истаган филиали орқали бепул уланиш имконига эга бўласиз.

Фурсатни қўлдан бой берманг!

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-371) 150-13-12.



«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Наманган тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Наманган вилояти хўжалик судининг 2010 йил 17 сентябрдаги 16-10038457-сонли ижро хужжатига асосан хатланган, Косонсой тумани, «Тергачи» ҚФЙ, «Хонкўрғон» маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 25895,0 кв.м., қурилиш ости майдони 3913,94 кв.м., фойдаланиш майдони 3758,45 кв.м. бўлган, «Наманганвино» ОАЖга қарашли «Шарқ юлдузи» вино-ичимлик пункти бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 634 980 474 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 11 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Наманган филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»и Наманган бўлимидаги қуйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МФО: 00223, СТИР: 200933860.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.
www.rkmb.uz
Лицензия: ДВ 001 № 000004.



Qishloq Qurilish Bank

«Qurilishga sarmoya» omonatiga qo`ygan mablag`ingiz — qishloqda quriladigan uyingiz poydevoridir!



Telefonlar: (+998 71) 150-93-39, 150-39-93.
www.qishloqqurilishbank.uz

Barcha omonatlar Fuqarolarning banklardagi omonatlarini kafolatlash fondi tomonidan kafolatlangan.



«ИПОТЕКА-БАНК»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ





«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки балансидаги, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, С. Миршаридов кўчаси, 24б-уй манзили бўйича жойлашган бино ва иншоот Республика кўчмас мулк биржасининг электрон савдолари орқали 2 965 000 000 сўм бошланғич баҳода сотувга қўйилади. Ушбу объектнинг умумий майдони 5702 м² бўлиб, 4 қаватли маъмурий бино, 2 қаватли омборхона, гараж, шийпон ва қоровулхонадан иборат.

Мурожаат учун «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки телефонлари: (8-371) 150-70-78, 150-23-24.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ

Танлов ўтказиш муддати — 2011 йил 25 июнь.
Танлов ўтказиш жойи: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг мажлислар зали.

ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛГАН ТЕЛЕРАДИОЧАСТОТАЛАР

| | Частота | Узатгич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| | I. Телеэшиттиришлар тарқатиш | | |
| 1-лот | 57-телевизион канал (частоталар полосалари 758,0-766,0 МГц) | 0,1 кВт | Урганч шаҳри ва атроф туманларида |
| 2-лот | 47-телевизион канал (частоталар полосалари 678,0-686,0 МГц) | 0,1 кВт | Урганч шаҳри ва атроф туманларида |
| 3-лот | 10-телевизион канал (частоталар полосалари 208,0-214,0 МГц) | 5,0 кВт | Урганч шаҳри, Андижон вилояти, қисман Наманган ва Фарғона вилоятлари |
| | II. Радиоэшиттиришлар тарқатиш | | |
| 4-лот | 103,5 МГц | 1,0 кВт | Тошкент шаҳри ва шаҳар атроф ҳудудларида |
| 5-лот | 107,3 МГц | 1,0 кВт | Тошкент шаҳри ва шаҳар атроф ҳудудларида |

www.aci.uz www.gis.uz




*Чинакам истеъдод соҳиби ўз маҳоратини ҳамиша, ҳар қандай вазиятда намоён эта олади. Зеро, доно халқимиз “мард майдонда синалади”, деган иборани қўллаганида ҳақиқий иқтидор учун энг адолатли баҳо элнинг эътирофи эканлигини назарда тутади.*

*Куни кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтган тадбирда худди шундай бўлди. Негаки, бу ерда мусиқага ихлосманд бир гуруҳ ёшлар “Мардимайдон” деб номланган фестивалда иштирок этиб, фақат жонли ижрода қўшиқ куйладилар. Истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишланган мазкур тадбир “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “TerraGroup” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор ижрочилар ўзаро беллашдилар.*

# ИСТЕЪДОДЛИ ВА ШИЖОАТЛИ ЁШЛАР

**ўз салоҳиятини «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтган фестивалда яққол намоён этишди.**

Танлов-фестиваль шартларига кўра, ҳар бир иштирокчи эстрада, анъанавий ижрочилик ва академик хонандалик йўналишлари бўйича шахсий ижоди, мумтоз асарлар ҳамда жаҳон санъати намуналаридан иборат учтагача қўшиқ ижро этиши мумкин. Бундан буён ҳар икки ойда бир маротаба ўтказиб бориладиган мазкур беллашувнинг ғолиблари номи йил якунида аниқланиб, фестиваль лауреатлари тантанали тақдирлаш маросимида эълон қилинади. Тадбир якунига қадар энг гўзал тароналар теле ва радиоканаллар орқали мухлислар эътиборига ҳавола этиб борилади.

— Фестиваль санъатга ихлосманд ёшларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг ижодий маҳоратини чархлаш, соҳир овоз соҳибларини кашф этиш мақсадида ўтказилмоқда, — дейди “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасининг бош директори Азамат Ҳайдаров. — Бирлашма томонидан фестивалда муваффақиятли иштирок этган истеъдодли хонандалар мамлакатимиз ва хорижда ўтказиладиган нуфузли тадбирлар ҳамда кўрик-танловларда иштирок этиш учун тавсия қилинади. Бундан ташқари, фестиваль ташкилотчилари томонидан уларнинг янги қўшиқларини тайёрлашга молиявий кўмак кўрсатиш ва бошқа имтиёзлар бериш ҳам кўзда тутилган.

Ойхон Шаҳобиддинова Ўзбекистон Давлат консерваториясида эстрада хонандалиги йўналиши бўйича таълим олади. Дилором Омонуллаева, Юнус Тўраев сингари маҳоратли санъаткорлардан сабоқ олаётган ёш ижрочи устозлари кўмагида фестивалга астойдил тайёргарлик кўрди.

— Хонанда учун энг мураккаб жараён саҳнага чиқиш олдидан кучли ҳаяжонни енга билиш экан, — дейди у. — Биз, ёшлар етук санъаткор бўлиш орзусидаги ҳар бир қўшиқчи бунинг уддасидан чиқиши, қолаверса, саҳна маданияти борасида кенг тушунча ва кўникмаларга эга бўлиши лозимлигига бугун янада кўпроқ ишонч ҳосил қилдик. Аслида, фестивалда иштирок этишнинг афзаллиги ҳам шунда. Беллашувда “Бу тақдир”, “Асрагин” деб номланган қўшиқларимни куйладим. Ижроим томошабинлар олқишига сазовор бўлганлиги мени янада илҳомлантирди. Бундан буён ҳам катта ижодий ютуқлар сари интилишга бор кучим билан ҳаракат қиламан.

Тадбирда ёш хонандаларнинг ижро маҳорати, овоз имкониятлари ва саҳна маданияти билан боғлиқ билим ва иқтидори ҳайъат аъзолари ҳамда мухлислар хулосасига кўра баҳолаб борилди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «БИЗ — 20 ЁШДАМИЗ!»

***Мана, бир ой мобайнида мамлакатимиз бўйлаб Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Меҳр нури” жамғармалари, “Аёллар кенгаши” республика жамоатчилик бирлашмаси ҳамда “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази томонидан “Биз — 20 ёшдамиз!” ёшлар акцияси муваффақиятли ўтказилди.***

**АНДИЖОН** вилоятида ташкил этилган тадбирда “Келажак овози” кўрик-танловининг ахборот акцияси, “Ёш тадбиркорлар форуми”, бўш иш ўринлари ярмаркаси, хорижий тиллар танлови, теле ва босма оммавий ахборот воситаларига қизиқувчи ёш журналистлар танлови, “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси томонидан хайрия марафони, музокаралар клуби тақдимоти ҳамда “Меҳр нури” жамғармасининг хайрия тадбирлари ташкил этилди.

Акциянинг йирик лойиҳаларидан бири — бўш иш ўринлари ярмаркаси Андижон шаҳрида жойлашган Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Унда 450 та корхона, ташкилот ва муассасалар 3300 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Вилоят “Ёшлар маркази”да бўлиб ўтган хорижий тиллар танловида йигит-қизлар уч босқичда ўз билимларини синадилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан акция доирасида ўтказилган “Ёш тадбиркорлар форуми” ҳам қизғин ўтди. Унда сўзга чиққан соҳа мутахассислари бугунги кунда ёш тадбиркорлар учун яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар ҳақида тушунча бердилар.

— Талаба бўлишимга қарамай, аллақачон тадбиркорликни бошлаб юборганман, — дейди Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Ҳаётбек Маҳрамов. — Яқинда 1 миллион сўм кредит олдим. Энди ўзимга ўхшаган бошловчи тадбиркорлар учун ўқув маркази очмоқчиман.

Акция андижонлик ёшларнинг бутун бир кунини ғоят мазмунли ўтказишга хизмат қилди. “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси томонидан ёш хотин-қизлар

**Тадбир**

ўртасида ташкил этилган югуриш марафони ҳам эпчиллик, чаққонлик, бирдамлик ва саломатлик кўриги бўлди.

* * *

**ФАРҒОНА**лик ёшларнинг чинакам байрамига айланиб кетган “Биз — 20 ёшдамиз!” акциясида вилоятнинг барча шаҳару туманлари, мактаб ва коллежлари ҳамда олий ўқув юртларидан ташриф буюрган ўн мингдан зиёд ёш иқтидор эгалари, изланувчан ёшлар иштирок этди.

Айниқса, Фарғона давлат университети ахборот-ресурс марказида бўлиб ўтган “Ёш тадбиркорлар форуми” қизғин мулоқотлар билан ўтди. Унда қатнашган ёш тадбиркорлар, ўз кичик бизнесига эга бўлган ишбилармонлар, инновацион ғоялари билан ҳаётга кириб келаётган иқтидор эгалари молия муассасаларининг мутахассислари билан ўзаро фикр алмашдилар. Очиқ мулоқот тарзида ўтган форумда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

— Форумда қатнашиб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бизнес лойиҳамни “Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш дастури”га топширишни мақсад қилдим, — дейди Фарғона солиқ коллежи ўқувчиси Бунёджон Норматов. — Чунки мамлакатимизда биз каби ёш тадбиркорларга ажратилаётган кредитларни бериш анча соддалаштирилибди.

“Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази қошида фаолият юритаётган Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан уюштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасида эса 4,5 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашди. Улардан икки мингга яқини ишга жойлашиши учун йўлланмалар олишди.

Тадбирнинг ахборот акцияси қисмида қизиқарли ўйинлар, тақдимотлар бўлиб ўтди. Оммавий ахборот воситаларига қизиқувчи ёшларга эса иқтидор ва қобилиятларини намойиш этиш, мақолалар ёзиш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишга имконият берилди. Хорижий тиллар танлови баҳсида иқтидорли йигит-қизлар махсус тест синовларини муваффақиятли бажардилар. Шаҳардаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги шоҳкўчада хайрия марш марафони ташкил этилиб, унда 1200 дан зиёд ёшлар иштирок этдилар. Форум давомида кам таъминланган оилалар ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия дастурхони ёзилди.

Тадбир ёш санъткорларнинг бадиий чиқишлари билан якунланди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## МАДАНИЯТ хабарлари

***Урганч шаҳридаги Урганч суратлар галереясида хоразмлик ёш рассомлар асарлари кўргазмаси ташкил этилди.***

### Суратларда – Ватан манзаралари

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб “Тасвирий санъат ҳафталиги — 2011” тадбирлари доирасида ўтказилаётган ушбу кўргазмада ёш ижодкорларнинг 100 дан зиёд рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, гиламдўзлик, бадиий кулоллик, дизайн ва амалий санъат асарлари намойиш қилинмоқда. Она юртимизнинг бетакрор табиати манзаралари, қишлоқларимиз гўзаллиги, меъморий обидалар, бахтли болалик акс этган асарлар санъат ихлосмандларига манзур бўлмоқда.

“Ёшлар ижоди кўргазмаси” бир ой давом этади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Саҳнада – театр жамоалари

***Тўрткўл туманида Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан халқ театрлари фестивали ўтказилди.***

Унда Оролбўйи минтақасида фаолият кўрсатаётган халқ театрлари, драма жамоалари ва қўғирчоқ театрлари ўзларининг турли мавзулардаги спектакллари билан иштирок этди.

Фестиваль якунида Хўжайли тумани маданият ва спорт ишлари бўлимининг жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ижодкорлар учрашуви

***Юртимизда ижодкор ёшларга юксак ғамхўрлик кўрсатилиб, истеъдодли йигит-қизлар кашф этилмоқда.***

Бундай рағбатнинг ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда ўрни беқиёсдир.

Шуни инобатга олган ҳолда, адабиётимиз равнақи, ёш ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини янада яққолроқ юзага чиқариш мақсадида “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида “Ёшлик илҳомлари” деб номланган бадиий-ижодий учрашув ўтказилди.

Тадбир давомида навқирон қаламкашлар ўз ижодларидан намуналар ўқиб, йиғилганларни хушнуд қилишган бўлса, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари ва маданият коллежининг иқтидорли ўқувчилари ёрқин чиқишлари билан барчага кўтаринки кайфият улашдилар.

**Шоҳруҳмирзо**
**ОДИЛБЕКОВ.**

# ҚАДИМ БУХОРО НУФУЗЛИ ФЕСТИВАЛЬ ОҒУШИДА

***“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида шу йилнинг 30 апрель — 1 май кунлари бўлиб ўтадиган “Асрлар садоси” анъанавий маданий фестивалига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етаяпти.***

Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилаётган бу тадбирга бутун юртимизда бўлгани каби Бухорода ҳам қизиқиш бениҳоя катта.

— Мазкур фестивални ўтказиш бўйича мукаммал дастур ишлаб чиқилди, — дейди вилоят ҳокимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ёрдамчиси Зарифжон Комилов. — Шунга кўра, шаҳримизда кенг миқёсда ободончилик, таъмирлаш юмушлари амалга оширилди. Хусусан, фестиваль доирасидаги асосий тадбирлар ўтадиган Лаби ҳовуз мажмуи ва унга ёндош қадимий обидаларда амалга оширилган таъмирлаш, реконструкция ишлари қадимий шаҳримизнинг кўркини янада очиб юборди.

Дарҳақиқат, бугун қадимий Арк қалъасидан то Лаби ҳовуз мажмуасига қадар бўлган ҳудуд янада гўзаллашиб, ажиб қиёфа касб этган. Бу аждодларимиз томонидан бунёд этилган обидалар, осориатиқалар асраб-авайланаётганидан нишона. Зеро, “Асрлар садоси” фестивали доирасида ташкил этиладиган халқ сайлида ёшларнинг миллий либослар намойиши, дорбозлар, масхарабозларнинг ранг-баранг чиқишлари байрам меҳмонларининг Бухоро ҳақидаги таассуротларини бойитиши муқаррар. Фольклор дасталарининг саҳна кўринишларида ҳам Бухоронинг бой тарихига оид лавҳаларни кўриш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, фестиваль давомида декоратив-амалий санъат асарлари ярмаркаси ташкил этилади. Унда жаҳон миқёсидаги нуфузли кўргазмаларда фаол қатнашиб, юртимиз халқ амалий санъатини дунёга танитган энг моҳир ҳунармандлар ўз асарлари билан қатнашадилар. Шунингдек, Арк қалъаси ҳудудида “Халқ миллий ўйинлари фестивали” ҳам бўлиб ўтади. Қадимий Тоқи заргаронда эса зираворлар кўргазмаси уюштирилади. Миллий кураш, қўчқор ва хўроз уриштириш каби оммабоп томошалар ҳам меҳмонларга бир олам завқу шавқ улашиши, шубҳасиз. Айниқса, “Миллий таомлар”, “Миллий либослар” фестивали каби тадбирлар азалий урф-одат ва қадриятларимизни тараннум этишда муҳим ўрин тутади.

— Фестиваль доирасида “Бухоро тарихи” мавзуида замонавий санъат кўргазмаси, шунингдек, “Кинофестиваллар — замонавий жаҳон маданияти феномени” мавзуида давра суҳбати ҳамда “Меъморий эпиграфика дурдоналари” китоби тақдимоти ҳам ўтказилади, — дея давом этади З. Комилов. — Пойи калон мажмуасида ташкил этилиши кўзда тутилган гала-концерт дастури икки минг томошабин иштирокида ўтиб, бу тадбир миллий санъатимиз намойишига айланади. Ушбу нуфузли фестивалга чет элларда ҳам қизиқиш жуда катта эканлигини ҳисобга олиб, таржимонларни ҳам тайёрлаб қўйганмиз.

Дарҳақиқат, кўҳна ва боқий Бухоро бугун яна бир байрам оғушида. Мустақиллик шарофати билан жаҳонга юз тутган, олмосдек жилоланиб турган қадимий ва навқирон шаҳар “Асрлар садоси” меҳмонларини кутмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Ҳадемай, Термиз шаҳрида “Баркамол авлод — 2011” спорт ўйинларининг республика босқичи бошланади. Юртимизда “Кичик Олимпиада” дея эътироф этиладиган мазкур спорт мусобақаларининг ўрта бўғинига жиззахлик ёшлар ҳам қизғин ҳозирлик кўришмоқда.***

# «ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАРМИЗ»

“Баркамол авлод”нинг илк биринчилигига бундан ўн йил муқаддам Жиззах шаҳри мезбонлик қилган эди. Ўшанда вилоят марказида кўплаб замонавий спорт иншоотлари барпо этилган, таъмирланган ва кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилган эди. Мана шундай шарт-шароитлар ҳамда имкониятлардан руҳланган жиззахлик ёшлар умумжамоа ҳисобида фахрли тўртинчи ўринни эгаллашганди.

— Ёшлар ўртасида спортга бўлган муносабат, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, қисқача айтганда, баркамол авлод бўлиб вояга етиш ҳисси йилдан-йилга шаклланиб бормоқда, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси мутахассиси Неъмат Ўринов. — Бошқармамиз тизимидаги муассасаларда фаолият кўрсатаётган 553 та спорт тўгарагига 14635 нафар ўқувчи қамраб олингани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Умуман олганда, “Баркамол авлод — 2011” спорт мусобақаларининг дастлабки саралаш босқичида 14220 нафар, шаҳар ва туман босқичларида 4160 нафар, вилоят босқичида эса 1392 нафар ўғил-қиз иштирок этди. Айни пайтда улар орасидан саралаб олинган 51 нафар ўқувчи Алишер Толипов, Ражаб Исоқобилов, Олим Раҳимов, Эргаш Мамуров, Норбобо Тилаков, Жонибек Хидиров сингари тажрибали мураббийлар раҳбарлигида машғулотларни давом эттиришмоқда. Бу борада енгил атлетика, миллий кураш, белбоғли кураш ва сузиш мусобақаларида иштирок этадиган спортчиларимиздан умидимиз катта.

— Енгил атлетика билан, қарийб ўн йилдирки, мунтазам шуғулланаман, — дейди Жиззах олимпия захиралари коллежининг учинчи босқич ўқувчиси Роман Штукан. — Айниқса, устозим Алишер Толипов мураббийлигида сўнгги уч йил давомидаги тинимсиз машғулотларим самарали бўлди. Жумладан, 800 ва 1500 метрларга югуриш бўйича икки марта Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритдим. 2010 йилда эса Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлдим. Бундай юксак муваффақиятларга эришишимда Юртбошимиз томонидан биз, ёшларга яратиб берилаётган беқиёс шарт-шароитлар муҳим омил бўлмоқда. “Баркамол авлод — 2011” спорт ўйинларининг финал босқичида ҳам биринчи ўринни эгаллаш, тажрибамни янада орттириб, келгусида жаҳон биринчиликларида байроғимизни баланд кўтаришга ҳаракат қиламан.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО (27 апрель)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Кечаси 10-15, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари**. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 16-18, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

*Барча вазирликлар, давлат идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда**

**барча вазирликлар, давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кадрлар билан ишлаш тузилмалари ходимларининг малакасини ошириш курси ташкил қилинмоқда.**

***Мазкур курсда тингловчилар қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади:***
- *меҳнатга ва аҳолини иш билан таъминлашга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;*
- *меҳнат ресурсларини бошқариш тизими;*
- *кадрлар билан ишлаш тизими;*
- *меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби;*
- *меҳнат қонунчилигининг амалиётда қўлланиши билан боғлиқ муаммолар таҳлили;*
- *меҳнатга оид низоли ишларнинг судда кўрилиши;*
- *ходимларни бошқариш стратегияси, ташкилотни бошқариш стратегияси. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш. Кадрлар билан ишлашнинг психологик аспектлари ҳақида.*

Ўқитиш муддати 1 ҳафтадан иборат бўлиб, шартномага мувофиқ тўлов асосида амалга оширилади. Шартнома суммаси бир кишига энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида белгиланган.

Тингловчилар тарқатма материаллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар намуналари ва қўлланмалар билан таъминланади. Малака ошириш курси якуни бўйича сертификат берилади.

**Малака ошириш курсида ўқиш бўйича Юристлар малакасини ошириш марказига (телефонлар: (8-371) 232-16-65, 236-79-64) ёки Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига (8-371) 239-41-13, 239-45-79) мурожаат қилиш мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги
«Ўқув таълим таъминот»
давлат унитар корхонасининг

**«Таълим таъминот жиҳоз» республика филиали**

2011 — 2012 ўқув йили учун маҳсулотларни вилоятларга етказиб бериш бўйича **усти ёпиқ автотранспорти бўлган автокорхоналар ўртасида танлов эълон қилади.**

**Мурожаат учун телефонлар: ( +99871) 229-04-94, 229-12-28, факс: 229-04-62.**




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси О. Н. Ашировга онаси

**ДИЛОРОМ аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоаси масъул ходим Баҳром Жуманиёзовга онаси

**ПОШШАЖОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**t -Тижорат материали**

**· МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.**
**Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.**
**Навбатчи — Д. Улуғмуродов.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.50** 1 2 3 4 5